

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙ - ГУМАНИТАР ФАНЛАР

2/2013



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Таълим тизимида
*ижтимоий-гуманитар фанлар***

ISSN 2181-7286

**Илмий-методологик ва илмий-услубий Йилига 4 марта
журнал. 2002 йилда ташкил топган чоп этилади**

№2 2013

**Социально-гуманитарные
науки в системе образования**

ISSN 2181-7286

**Научно – методологический и научно – Издаётся
методический журнал. Основан в 2002 году 4 раза в год**

№2 2013

**Social sciences and the
Humanities in the system of education**

ISSN 2181-7286

**Scientific, methodological and methodical published quarterly
Journal. Established in 2002**

№2 2013

Тошкент – 2013

ФАЛСАФА

| | |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Абдуллаева Д. Глобаллашув жараёнининг мазмуни ва кўлами ҳақида. | 99 |
| Омонов Б. Оролбўйи минтақасидаги давлат экологик сиёсати моделини глобал тизимга мослаштиришнинг ўзига хослиги. | 103 |
| Раҳманов А.М. Жамиятни модернизациялаштириш шароитида ёшларнинг маънавий фаоллиги. | 106 |
| Қаюмова Н.А. Ғарбий Европа давлатларида мультикультурализм сиёсатининг айрим томонлари. | 110 |
| Раҳимова М.И. Давлат ҳокимияти тушунчаси ва хусусиятлари. | 113 |
| Никитченко Г.В. Илмий ижод жараёнида интуициянинг роли. | 118 |

ОИЛА ВА ХУҚУҚ

| | |
|------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Тайлақова Ф. Оилавий тадбиркорлик. | 122 |
| Усманова А.А. Ёшларнинг фуқаролик позицияларини шакллантиришда оиланинг роли. | 124 |
| Сайдамов Б.Қ. Оила мустаҳкамлиги – юрт ободлиги. | 128 |
| Байниязова Г. М., Сабирова М. Г. Оилада болаларни Ватан туйғуси руҳида тарбиялаш. | 130 |

ФИЛОЛОГИЯ

| | |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Азизова Н.Б. Давлат тили ва бадиий онг ривожини. | 133 |
| Шаймарданова А.Р. Ўзбек тилида эмоционалликнинг воқеланиши. | 137 |
| Абжалова М.А. Ўзбек тилидаги матнларни автоматик таҳрирлашда услуб масаласи. | 140 |
| Расулова С.С. Тохир Малик қиссаларида сирлилик. | 145 |
| Бабаева С.Р. Ўзбек адабиётининг тарихий-ижтимоий тараққиёти. | 150 |
| Бобокалонов Р.Р., Бобокалонов П.Р. Ўзбек ва француз тилларида каноник модели гапларнинг қиёсий-типологик талқини. | 152 |
| Нормуродова Н.З. Лингвопересоналогияда миллий-маданий ёндашувнинг асосий ҳолатлари. | 156 |
| Абдимуратова Н.П. Инглиз ва қорақалпоқ тиллари структураси бўйича содда гап классификацияси. | 159 |
| Рўзиева Ч.Д. Инглиз тилини ўқитишда ўйин технологияларидан фойдаланиш. | 161 |
| Пидаева Ш.Б. Чет тилларини ўргатишда грамматик-таржимавий усул. | 163 |
| Турдиева С.Х. Чет тилларини ўқитишда коммуникатив-йўналтирилган ёндашув. | 166 |

Бадий услуб лексикаси ҳам алоҳида белгиларга эга. «...бошқа функционал стиллар учун хос бўлган лексика (масалан, илмий ва расмий иш услубига хос бўлган терминлар)нинг бадий стилда кенг қўлланилмаслиги ва фақат бадий стилда қўлланивчи махсус воситаларнинг мавжудлиги бадий стилга хосланган лексикани алоҳида ажратишга асос бўлади», дейди Э.Бегматов. *Абру, албат, армузон, базмаро, балқимоқ, баҳористон, бода, бўстон, гавҳарафшон, гирён, гулбаҳор, гулистон, гулрў, гулшан, дебоча, дилафрўз, дилхона, долга, дурафшон, дуто, жаҳонбахш, жондош, жўшмоқ, жўшқин, кабк, куйламоқ, либос, лолагун, лўливаш, майгун, мардонавор, мастона, маҳваши, маҳпора, мовий, моҳ, мужда* каби хосланган сўзлар луғатларда поэтизмлар номи билан юритилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бадий услубга хос матнларда эскирган сўзлар, историзмлар ва диалектизмларнинг қўлланиши меъёрий ҳол ҳисобланиши боис таҳрир дастури расмий, илмий ва публицистик услубдаги матнларни таҳрир қилишга мўлжалланади. Лингвистик таъминотни мукамаллаштириш жараёнида кейинги босқичларда бадий услубга хос сўзларнинг ҳам киритилиши эътиборга олинади.

Адабиётлар

1. Большакова Е.И., Клышинский Э.С., Ландэ Д.В., Носков А.А., Пескова О.В., Ягунова Е.В. Автоматическая обработка текстов на естественном языке и компьютерная лингвистика : учеб. пособие. -М.: МИЭМ, 2011.
2. Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби. –Самарқанд., 1992.

Расулова С.С., ЎЗМУ

Тоҳир Малик қиссаларида сирлилик

В статье рассматривается таинственность и неповторимый подход в привлечении читателя к событиям, происходящим в произведениях Тохира Малика.

The article considers the mystery and hidden approach to attract the reader to the events occurring in the works of Tohir Malik.

Таянч сўз ва иборалар: инсон тақдири, сирлилик, ўқувчини жалб этиш, иккувар қаҳрамон, сержумбоқ жараён, детектив роман, жумбоқ ечими, воқеа ривож, ўзига ром этувчи сюжет.

Опорные слова и выражения: судьба человека, таинственность, привлекать читателя, герой-сыщик, неизвестность, детективный роман, разгадка, развитие события, захватывающий сюжет.

Key words: the fate of a man, mystery, attract the reader, the hero, detective, peradventure, detective novel, rede, the development of events, exciting plot.

Адабиётнинг азалий хусусияти ҳаётни аслидан кўра ўзгачарок, ўйлашга ундайдиган даражада сирли тарзда акс эттиришдан иборатдир. Мўъжизакор сеҳру-синоатларни ўзида жо этиш орқали инсониятни ҳайратга солиш санъатнинг турли соҳаларига хос бирламчи хусусиятдир. Зеро, мураккаб ва бирмунча мавҳумроқ нарса-ҳодисалар инсонга доимо кадрли ва жозибали туюлади. Бу фикр инсоният тақдирининг мураккаб ва ранг-баранг кирраларини чуқур тадқиқ этишга йўналтирилган сўз санъатига, унинг фаол йўналишларидан бири – детектив адабиётга ҳам бевосита алоқадордир. Детектив асарларда жиноят ва уни фош этиш билан боғлиқ мураккаб жараёнга алоқадор катта-кичик сирлар, жумбоқлар мавжуд бўладики, асарнинг дунёга келишида пойдевор вазифасини ўтаган бу сир-синоатлар китобхонни воқеалар сўнгигача қизиқтириб, ортидан эргаштиради. Энг асосийси, жиноятлар билан боғлиқ сир детектив асар воқеаларини ҳаракатга солади, образ ва характерларни шакллантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Насрнинг бошқа йўналишларидан фарқли ўлароқ детективда асар конфликт даражасига кўтарилади, ундаги воқеалар ҳаракати бирламчи ҳамда иккинчи даражали сирлар моҳиятига асосланади. Жумладан, Тохир Маликнинг “Чархпалак” асарида агроном Комилнинг, “Мурдалар гапирмайдилар” киссасида Нафисанинг, “Талваса” романида Акмал Бердиевнинг хотини ва қизининг, “Алвидо, болалик” киссасида Мирқосим Миртиллаевнинг ўлими билан боғлиқ сирлар худди шундай мавқега эга. Ёчими муаммо туғдирмайдиган сирлар детектив сюжети учун аҳамиятсиздир. Бу сирлар, жиноятнинг қайси тури билан боғлиқлигидан қатъий назар, қанчалик мураккаб ва асосли бўлса, бадиий асарнинг детектив намунаси сифатидаги қиёфаси шунчалик мукамал бўлади.

Детектив асарларда бирор сирли ҳодиса ёки мавҳум жиноят иши содир бўлади, сўнг уни қидириш, сўроқлаш, кимлардавдир шубҳа-гумонлар қилиш бошланади. Сир ҳадеганда ечилавермайди. Ёзувчи кўп ўринларда асл қотил ким эканлигини сир тутлади. Ҳақиқий жиноятчини топиш йўлида кўпчиликни шубҳа остига олади. Сир очилгунга қадар олдинда хилма-хил тўғаноқлар кўндаланг бўлади, ёзувчи ёки ёзувчининг изқувар қаҳрамони сирли ҳодиса изидан қидиришда давом этади. Ҳеч бир гап-сўз, деталь, одамларнинг ўзини тутиши, кўз қарашлари унинг назаридан четда қолмайди. Ниҳоят асар охирига бориб, сир фош бўлади ёки сирли жиноят изи топилади. Тохир Малик асарларида ҳам аввал жиноят содир этилади. Сўнг уни сўроқлаш, қидириш, текшириш ишлари бошланади. Масалан, “Мурдалар гапирмайдилар” киссаси Нафисанинг ўлдирилиши билан боғлиқ воқеалар билан бошланади. Аёл ўз уйида ишхонасидаги бир ҳамкасби билан биргаликда ўлдирилган. Бироқ уни ким, нима сабабдан ўлдириб кетганини ҳеч ким билмайди. Бу жумбоқни ечиш учун терговчи Омонулло асарга кириб келади. У жиноят содир бўлган жойни кўздан кечирар экан, ҳеч ким эътибор бермаган диванга тикилиб қолади. Диванни синчиклаб текширганда эса у ердан пичоқ топиб олади. Ана сизга ашъвий далил! Мана шу пичоқ орқали изқувар қотилни излаб топади. Асар давомида терговчи марҳуманинг эридан, отасидан, кўшнисидан, ишхонасидаги баъзи бир кишилардан, колхоз раиси Турсуналидан шубҳаланади. Уларнинг ҳеч бир хатти-ҳаракати унинг назаридан четда қолмайди. Бироқ ёзувчи изқувардан ҳам уддабурон ва чаққон. У қотилни асарнинг сўнгги дақиқаларигача сир сақлайди.

Ушбу жиноятни очиш учун шу жиноятги алоқадор бўлган яна бошқа бир қанча катта ва кичик жиноятлар фош этилади.

Сирли жиноятни очишдек чигал ва сержумбоқ жараёни бутун мураккабликлари билан бадий тадқиқ этиш анча мушкул иш. Бу шароитда асар муаллифидан керак ўринда жиноятчи, керак ўринда жабрланувчи, энг мухими, моҳир изкувар вазифасини адо этиш, улар каби фикрлаш, рухий, жисмоний қийноқларни бошидан кечириш талаб қилинади. Ёзувчи Тохир Малик ана шу фазилатларга эга. У ҳаёти давомида кўплаб жиноятчилар билан суҳбатлашган, уларнинг ҳаёти, яшаш тарзи, шароити, ички кечинмалари билан танишган. Жиноятчиларни бу оламга қандай қилиб кириб қолганлигини аниқлашга ҳаракат қилган. Шунинг учун Тохир Малик керак ўринларда ҳам жиноятчи, ҳам моҳир изкувар, ҳам жабрланувчи, ҳам гувоҳ бўла олади. Уларнинг рухий, жисмоний қийноқлари, ички кечинмаларини бошидан ўтказди. Балки шунинг учун ҳам унинг асарлари жозибали ва ўқишли бўлар.

Детектив асар сюжетида сир сақлай олиш маҳоратига эга бўлиш детективнависга омад келтирадиган муҳим шартлардандир. Буни Ш.Сулаймонов ҳам таъкидлаб ўтади: “Детективнависга муваффақият келтирадиган муҳим шартлардан яна бири – детектив асар сюжетида сир сақлай олиш маҳоратига эга бўлишдан иборат. Жумладан, Ғарб детектив адабиётининг аксарият намуналари мутолааси чоғида китобхон энг сўнгги дақиқаларгача жиноятчи ким эканлигини билолмай, танг қолгунча, асар хотимаси сари ошиқади. Бунгача ҳикоя ва қисса қаҳрамонларининг ҳар биридан гумонсирашга улгуради. Асарда ўқувчи гумонсирамаган, шу бўлиши керак дея ўйламаган бир ёки икки образ қолади, қолос. Ҳайратланарли жойи шундаки, хотимада китобхонда яхши таассурот қолдирмаган кишилар эмас, балки у бетакрор одамлар қаторига қўшган кимсалардан бири жиноятчи эканлиги аёнлашади” [2]. Бу фикрга биз ҳам қўшилаемиз. Чунки “Талваса” ва “Мурдалар гапирмайдилар” асарларида Тохир Малик сир сақлай олиш маҳоратини намён этади. Асарни ўқиётган вақтда Нафисанинг ўлимида отасидан (Тошболта), эридан (Самандар), ўғай онасидан (Адолат), ўйнаши Турсуналидан, унинг хотини Матлубадан шубҳа қилаемиз. Қотил шулардан бири эканлигига ишонаемиз. Жиноятга алоқадорлиги тахмин қилинаётган бу қаҳрамонлар асар сўнгигача ўқувчи назаридан четда қолмайди. Тарозининг гоҳ Турсунали турган палласи оғир келса, гоҳ Самандар турган палласи тош босади. Тошболта ҳам назардан четда қолмайди. Унинг хатти-харакатлари ўқувчида шубҳа уйғотади. Аммо унинг бу талвасаси бошқа бир кичик жиноятнинг очилишига замин яратади. Қисса охиригача Адолат ва Матлубадан ҳам хабардор бўлиб тураемиз. Чунки улардан ҳам шубҳаланишга асосимиз бор. Бироқ асар сўнгига келганда биз шубҳа ҳам қилмаган, ўзи қамоқхонада жазосини ўтаётган Кошак исмли жиноятчи бу ишни қилганини билиб олаемиз. Кошакнинг қотил бўлиши ҳаёлимизга ҳам келмаган эди. Чунки у турмада жазо муддатини ўтаётган бўлса, қандай қилиб Нафисани ўлдириши мумкин? Нима учун? Бунинг барчасига жавоб битта – катта бойлик.

“Талваса” романида эса Акмал Бердиевнинг хотини ва қизининг ўлимида ҳам Бўрон, Акула ва майда-майда ўғрилардан шубҳаланаемиз. Чунки

уларнинг хатти-ҳаракатидан, биздан сир тутаётган ўй-хаёлларидан, қотилликни эшитганида ҳайрон бўлмаганлигидан қотил шу бўлса керак деган тўхтамга келамиз. Бирок қотилнинг кимлигини Акмал Бердиёровнинг ўзи яхши билади. Лекин бу сирни асарнинг охиригача тишининг қавагида сақлайди. Жиноятчи ким эканлигини билгани учун тунлари ва ҳатто кундузлари ҳам хаёлида у билан савол-жавоб қилади, урушади, тортишади, зарур ўринларда ўзини оқлайди. Аммо барибир жиноятчининг ким эканлигини айтмайди. Фақат қотилнинг ўзи билан юзма-юз кўришгандагина сирни фош қилади.

Бундай яхши гапларни “Алвидо, болалик” қиссаси ҳақида айта олмаймиз. Чунки ёзувчи қотиллик содир этилаётгандаёқ барча сирни ошкор этиб қўяди. Яъни Қамариддин Мирқосим Миртиллаевни калтаклаб ўлдиради. Болалар ҳам бунинг ўз кўзлари билан кўрадилар, ҳатто калтаклашда, уни ўлдиришда иштирок этадилар. Жиноятчининг кимлиги барчага маълум. Ёзувчи қотилни сир сақлай олмаган. Барчага қотилнинг кимлиги аён бўлгандан кейин асарни қандай қилиб қизиқиб, бетоқатлик билан ўқиш мумкин? Мазкур асарда ёзувчи детектив асар сюжетининг хусусиятларидан бири бўлган сир сақлай олишдан унумли фойдалана олмаган. Ёзувчи асар бошида сирни фош қилиб қўйган бўлса-да терговчини қотилни изини топишда анча чалкаштиради. Қаҳрамонларни ҳам руҳий қийноққа, талвасага туширади. Жиноятчилар орасига нифоқ солади. Болаларни бир-бирига қарши қўяди. Уларни руҳий исканжага олади. Асар давомида Қамариддин бир неча маротаба терговчига чап беради. Айёрлик билан унинг кўлидан чиқиб кетади. Бирок терговчи ҳам анойи эмас. У ҳам арқонни узун ташлаб қотилнинг тўрға ўзи илинишини кутади. Қамариддин ўз оёғи билан келиб изкувар қўйган тўрға илинади. Жиноятнинг қандай оқибатларга олиб келишини кўрсатади.

“Алвидо, болалик” қиссаси детектив характердаги асар ёзишда ёзувчи учун биринчи қадам ҳисобланади. Шунинг учун бўлса керак бу асарда ёзувчида сир сақлай олиш маҳорати етарли эмаслиги кўринади. Бирок бундай хатони биз адибнинг бошқа қиссаларида учратмаймиз. Унинг кейин ёзилган қиссалари бир қадар мукамал бўлиб, уларда зиддиятларнинг чуқурлиги, асар сўнгигача сирнинг фош этилмаслиги, ва албатта, тугунларнинг табиий ечимга эгаллигини кўриш мумкин. “Қайд қилинган жиҳатларга эга детектив намуналари муаллифи ўз асарига сарлавҳа қўйгандаёқ жиноятчи ким жиноят қандай содир этилганлигидан огоҳ бўлади. Аммо ўқувчи диққатини тортиш истаги бу огоҳликни асар сўнгигача сир тутишга ундайди. Бу, ўз навбатида, ёзувчидан улкан маҳорат ва сабот талаб қилади” [2] – деб ёзади Ш.Сулаймонов. Тохир Малик ҳам асарига сарлавҳа қўйгандаёқ жиноятнинг қандай содир этилгани, жиноятчининг кимлигини билади. Бирок улкан маҳорат ва сабот билан бу сирни асар охиригача ошкор қилмайди.

Жиноятчи ўз хуфия мақсадига ўта эҳтиёткорлик билан эришишни такрор-такрор режалаштирганига қарамасдан, бу жараён у кутмаган ҳолда факулудда шиддат билан амалга ошади. Асардаги изкуварга эса жиноят излари ўчиб кетмай туриб, шиддат билан айбдор кетидан тушиб, уни фош этиб, таҳсинга сазовор бўлиш қисмати раво кўрилади. Тохир Маликнинг изкуварлари майор Мақсуд Солиев, Омонулло Йигиталиев, капитан Соли Муродовлар ҳам жиноят изига тушиб, ҳаммадан гумон қилиб айбдорни

излайдилар. Ёзувчи уларнинг елкасига жиноятни фош этишдек залворли юкни кўяди. Улар асар давомида бир жиноятни очиш, фош этиш учун минг хил кўчаларга кириб, минг хил инсонларни сўроқ қилиб, керак бўлса эшиги тагида 2-3 кунлаб пойлоқчилик қилиб бўлса-да, айбдорни топади ва жиноятчининг жиноятини фош этади. Бу йўлда улар ҳис-ҳаяжонга берилмай, иложи борича совуққонлик билан ҳаракат қиладилар. Қотиллик содир этилган жойни кўздан кечираётганда ҳеч қандай детални кўздан қочирмайдилар. Изқуварлар инсонларнинг психологиясини яхши биладилар. Изқувар қаҳрамонлар шиддат билан ҳаракат қилиб жиноятчини жуда тез қўлга туширадилар. Бирок жиноятчилар ҳам анойи эмас. Улар ҳам шиддат билан ҳаракат қилиб, изқуварни чалғитишга уринадилар. Охир-оқибат барибир изқувар голиб чиқади. Изқувар қаҳрамонлар ва жиноятчилар қанчалик тез, шиддаткор ҳаракат қилсалар, воқеалар ҳам шунча тез суръатда ривожланади. Асар муаллифи эса бу жараёнда кузатувчи бўлиб қолиши мумкин эмас. У бутун диққатини жиноятчи ва изқувар ҳаракатларига қаратиши, гоҳ у, гоҳ бу томоннинг зукколигини намойиш этиши, жиноятчи ва изқуварга эргашиб, баъзан улардан ўзиб, шиддат билан ҳаракат қилиши лозим. Аксинча, муаллифнинг жиноят ва уни фош этиш билан боғлиқ таҳлиллардан чалғиши жиноятчи ва изқувар характерларининг очилмай қолишига, жиний сирни ечиш манзарасининг ипонарсиз чиқишига сабаб бўлади. Тоҳир Маликнинг изқуварлари учун кутилмаган вазият, ошиб ўтиб бўлмайдиган довоннинг ўзи йўқ. Ёзувчи уларнинг йўлига қанча тўсик қўямасин барибир улар бу тўсикларни мардонавор енгиб ўтаверадилар.

Таниқли ёзувчи Габриэл Гарсиа Маркес Гавананинг «Боемия» журнали муҳаррири Мануэл Перейрой билан суҳбатида «Энг яхши детектив асар – Софоклнинг «Шоҳ Эдип»и. Чунки унда жиноят тергов билан очилади. Қотил эса адибнинг ўзи. Бунақаси яна яратилмаслигига ишонаман. «Эдип»дан кейин эса Чарльз Диккенснинг «Эдвин Друд сири» асари туради. Негаки, адиб китобни тугатмасдан олдин ўлган. Энди ҳеч ким қотил кимлигини билолмайди. Детектив романларнинг ягона камчилиги улар сенга ҳеч қандай сир қолдирмайди» [3]. Мазкур парча детектив асар сюжетида сир сақлай олиш хусусиятининг нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Демак, детектив асар сюжетида сир сақлай олиш маҳоратига эга бўлиш муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Сир сақлай олиш асарнинг янада кизиқарли, жозибали ва албатта, ўқишли бўлишини таъминлайди.

Адабиётлар

1. Кўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. –Т.: Фафур Гулом, 1988.
2. Сулаймонов Ш. Детектив асарда конфликт. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1999 йил, 3- сон.
3. Рўзиев А. Адабиёт ўрганилиши керак бўлган илмдир.// Хуррият. 2011 йил, 27 апрель. №17.